

Yagona Vatan, yagona xalq bo'lib, yangi hayot va kelajak yaratamiz!

# CHIRCHIQTONGI

Toshkent viloyati Chirchiq shahri  
hokimligining ijtimoiy-siyosiy  
gazetasi

2026-yil, 19-iyun juma  
25-son (10324)



Chirchiq tongi gazetasi



chirchiq\_tongi\_gazetasi



https://t.me/chirchiq\_tongi\_telegram\_sahifasi

Mustaqillik – bu  
xalqimizning  
erkin va farovon  
hayot kechirishi,  
o'z taqdirini o'zi  
belgilashi uchun  
yaratilgan beqiyos  
imkoniyatdir.

## Байрам шукуҳи

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУСТАҚИЛЛИК СОЛНОМАСИ

Орадан ўтган 35 йил – тарих учун бир лаҳза, аммо халқ тақдири учун бутун бир даврдир. Бу йиллар давомида Ўзбекистон ўз тақдирини ўзи белгилайдиган, ўз келажагини ўзи бунёд этадиган мустақил давлат сифатида улкан тараққиёт йўлини босиб ўтди. Мустақиллик халқимиз учун нафақат эркинлик, балки чексиз имкониятлар эшигини очган буюк неъматга айланди.

"Янги Ўзбекистоннинг мустақиллик солномаси" рукни остида биз азиз Ватанимизнинг истиқлол йилларида қўлга киритган ютуқлари, амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар, бунёдкорлик ишлари ва халқимиз ҳаётида юз берган улкан ўзгаришлар ҳақида ҳикоя қилиб борамиз.

Бу солнома – саҳролар ўрнида қад ростлаган замонавий шаҳарлар, дунё бозорларига чиққан миллий маҳсулотлар, илм-фан ва таълимдаги янги марралар, спорт майдонларида янграган ғалабалар, юртимизнинг халқаро майдонда ортиб

бораётган нуфузи ҳақидаги фахрли қиссадир.

Ҳар бир саҳифада мустақиллик туфайли рўёбга чиққан орзулар, ҳар бир рақам ортида халқимиз меҳнати, ҳар бир ютуқ замирида эса Ватан тараққиётига ҳисса қўшган фидойи инсонлар тақдири мужассам.

Бугун Янги Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги босқичида турибди. Мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, фаровон ҳаёт барпо этиш, миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва келажак авлодлар учун янада қудратли давлат қуриш йўлида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Келинг, биргаликда мустақиллик йилларининг шарафли йўлини варақлаб, Янги Ўзбекистоннинг кечаги, бугуни ва эртанги кунини ҳақида сўз юритамиз. Зеро, бу солнома – бутун халқимизнинг ғурури, меҳнати ва келажакка бўлган юксак ишончининг ёрқин ифодасидир.


2

Кеча Ўзбекистон миллий терма жамоаси жаҳон чемпионатидаги илк тарихий учрашувини ўтказиб, Колумбия терма жамоасига қарши майдонга тушди. Учрашув 1:3 ҳисобида рақиб фойдасига ҳал бўлган бўлса-да, мазкур баҳс мамлакатимиз футболи тарихида унутилмас саҳифа сифатида муҳрланди.

Дунё футболнинг кучли ва тажрибали жамоаларидан бири ҳисобланган Колумбияга қарши баҳсда ўзбекистонлик футболчилар катта жасорат, ирода ва матонат намоён этди.

Энг муҳими, Ўзбекистон терма жамоаси жаҳон чемпионатлари тарихидаги илк голини урди. Бу гол нафақат учрашувнинг энг ёрқин лавҳаларидан бири, балки миллий футболимиз солномасида олтин ҳарфлар билан ёзилган воқеадир. Дунё футболи саҳнасида илк бор Ўзбекистон номи гол билан янгради.

## МАЙДОНГА ТУШИШНИНГ ЎЗИ ҒАЛАБА!



Учрашув давомида футболчиларимиз охири дақиқаларгача курашни тўхтатмади. Ҳисобни тенглаштириш умидида олдинга ташланган жамоамиз қарши ҳужумда яна бир гол ўтказиб юборди. Бироқ бу натижа футболчиларимизнинг жасоратива интилишларига соя сололмайди.

Таъкидлаш жоизки, жаҳон чемпионати каби нуфузли мусобақадаги илк ўйин ҳар қандай жамоа учун катта тажриба мактаби ҳисобланади. Терма жамоамиз ҳам ана шу баҳс орқали қимматли халқаро тажриба тўплади ва ўз имкониятларини намоён қилди.

Бугун бутун мамлакат футболчиларимиз билан фахрланади. Чунки улар Ўзбекистон байроғини жаҳон аренасида муносиб ҳимоя қилиш учун майдонга чиқишди. Ғалаба насиб этмаган бўлса-да, миллий жамоамиз миллионлаб юртдошлар қалбида ғолиб бўлиб қолди.

Энди барча эътибор навбатдаги учрашувларга қаратилган. 23 июнь кунини бўлиб ўтадиган Португалияга қарши ўйин жамоамиз учун янги имконият ва янги синов бўлади.

Тарих ёзилди. Илк гол урилди. Илк тажриба орттирилди. Энг муҳими, ўзбек футболи жаҳон чемпионати саҳнасида дадил қадам қўйди. Олга, Ўзбекистон! Олга, "Оқ бўрилар!"

Семинар

## Аёллар дафтари: ЯНГИ БОСҚИЧ, МАСЪУЛИЯТ

Куни кеча шаҳар ҳокимлигининг мажлислар залида корхона, ташкилот ва муассаса раҳбарлари ҳамда маҳалла "еттилик" аъзолари иштирокида амалий семинар бўлиб ўтди. Унда Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши раиси С.Файзиёва ҳамда шаҳар ҳокими М.Абдурахимов иштирок этди.

Семинар "Аёллар дафтари"нинг навбатдаги – еттинчи босқичининг хатлов ишлари бошланиши муносабати билан ташкил этилган бўлиб, унда таъкидланганидек, дастурнинг асосий моҳияти – рўйхатга киритилган ҳар бир аёл учун алоҳида индивидуал режа ишлаб чиқиш ва уни амалда тўлиқ ижро этишдан иборат. Қўллаб-қувватлаш бир неча йўналишда олиб борилади: ишсиз аёлларни бўш иш ўринларига жойлаштириш ва касб-хунарга ўқитиш, тадбиркорлик билан шуғулланиш истагидаги хотин-қизларга имтиёзли кредитлар ажратиш, шунингдек, тиббий, ҳуқуқий ва психологик ёрдам кўрсатиш.

Тадбирда хотин-қизлар фаоллари ва маҳалла раисларининг масъулияти алоҳида қайд этилди. Хатлов жара-



ёнида анкета-сўровнома-ларини тўлдиришда расмийликка йўл қўймаслик, ҳар бир оиланинг ижтимоий-психологик ҳолатини чуқур ўрганиш ва аниқланган муаммоларни манзилли ҳал этиш бугунги куннинг асосий талаби сифатида белгилаб берилди.

Семинар сўнгида иштирокчиларга еттинчи босқичнинг хатлов ишларини сифатли ва ўз вақтида яқунлаш, бирорта ҳам муҳтож хотин-қизни эътибордан четда қолдирмаслик юзасидан тегишли топшириқлар берилди.

Шу йилнинг 17 июнь кунини шаҳар ҳокимлигининг мажлислар залида "маҳалла еттилиги" тизимининг 2026 йилнинг ўтган беш ойлик фаолияти яқунлари ҳамда камбағалликни қисқартириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.



## ШАРОИТ БОР, НАТИЖА-ЧИ? "ЕТТИЛИК" ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Йиғилишда шаҳар ҳокими М.Абдурахимов қатнашди.

Кун тартибидаги масала юзасидан Маҳаллаларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи О.Муқимов сўзга чиқди.

Маърузачи, аввало, йил давомида амалга оширилган ишларга тўхтади. Унинг таъкидлашича, шаҳарнинг демографик ва ижтимоий ҳолати 15 та йўналиш ҳамда 181 та кўрсаткич асосида ўрганилиб, 39 та маҳалла ва шаҳар "баланси" шакллантирилган. Моддий-техник база мустаҳкамланиб, 2025 йилда учта, жорий йилда яна битта янги маҳалла биноси, "Кимёгар" маҳалласида эса маҳалла сервис компанияси қуриб битказилган. Бугунги кунда 39 та маҳалла раисининг барчаси замонавий планшет, компьютер, принтер ва мебель билан таъминланган, қоғозбозлик ўрнига "Raqaamli mahalla" ягона электрон платформаси ва "Edo.ijro.uz" тизими жорий этилган.

Шу билан бирга, О.Муқимов яратилган шароитларга қарамай, тизимнинг амалий натижалари қониқарсиз эканини алоҳида таъкидлади.

Ўтказилган хатлов натижалари

шаҳарда аҳолини иш билан таъминлаш борасида ҳали ечимини қутаётган муаммолар мавжудлигини кўрсатди. Аниқланган ишсиз фуқароларнинг асосий қисми бандлиги таъминланган бўлса-да, маълум қисми ҳанузгача доимий иш ўрнига эга эмас.

Шунингдек, камбағал оилаларни қўллаб-қувватлаш йўналишида ҳам қатор камчиликлар сақланиб қолмоқда. Аниқланган эҳтиёжманд оилаларнинг бир қисми тегишли реестрларга киритилмаган, айримларига эса зарур ижтимоий ёрдамлар ўз вақтида етказилмаган.

Оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш борасида муайян ижобий кўрсаткичларга эришилган бўлса-да, низоли оилалар билан манзилли ишлаш ва профилактик чора-тадбирларни кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Маҳаллалар фаолияти самарадорлигини баҳолаш натижаларига кўра, айрим маҳаллаларда ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги муаммолар сақланиб қолмоқда.

5

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУСТАҚИЛЛИК СОЛНОМАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

## МЕН ХУРЛИКНИ КАМАЛАККА ЎХШАТАМАН

Хурликни мен камалакка ўхшатаман. Камалак ёмғирли ва булутли кунлардан кейин осмон бағрида жилоланиб, инсон қалбига умид ва шодлик улашса, хурлик ҳам халқ ҳаётидаги оғир синовлар, машаққатли йўллар ортидан порлаган нур каби қалбларга қувонч ва ишонч бахш этади. Унинг ҳар бир ранги инсоннинг эзгу орзулари, эркин фикри, кадр-қиммати ва бахтли келажакка бўлган умидларини ўзида мужассам этгандай туюлади.

Камалак осмонга гўзаллик бағишлаганидек, хурлик ҳам ҳаётга мазмун ва жозоба ато этади. Хурлик бор юртда инсоннинг қалби қафасдан чиққан қуш каби эркин парвоз қилади. Тафаккур чегара билмайди. Орзулар эса юксак чўққилар сари интилади. У халқларни бирлаштирувчи, қалбларни яқинлаштирувчи, келажакка чорловчи беқиёс неъматдир.

Ана шу беқиёс неъмат – хурлик ва озодликнинг энг юксак тимсоли сифатида 1991 йил 31 август Ўзбекистон тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилди. Бу сана миллат ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга бўлган, халқ асрлар давомида орзу қилган истиқлолга эришган буюк бурилиш палласи бўлди. Бу на-

## ХАЛҚҚА ҚАЙТГАН БУЮКЛАР

Истиқлол йиллари халқнинг тарихий хотираси, маънавий ўзлиги ва миллий ғурури қайта уйғонишининг ҳам буюк даври бўлди. Айниқса, шўро тузуми йилларида исми атайлаб сояга сурилган, мероси бирёқлама ёки нотўғри талқин қилинган буюк аждодларимизнинг номи тиклаш, уларнинг маънавий меросини халққа қайтариш борасидаги улкан ишлар таҳсинга лойиқ. Гўё асрлар тўзони остида қолиб кетган маънавий хазиналар қайта кашф этилди, миллат хотирасига муҳрланган буюк сиймолар яна халқ қалбига муносиб ўрин эгаллади.

Авалло, буюк давлат арбоби ва саркарда – Амир Темури шахсига бўлган муносабат мутлақо ўзгарди. Унинг давлатчилик, адолат, илм-фан ва тараққиёт ҳақидаги қарашлари миллий ғоянинг муҳим устунларидан бирига айланди. “Амир Темури ордени”нинг таъсис этилиши эса буюк аждод хотирасига бўлган юксак эҳтиромнинг ёрқин ифодаси бўлди. Унинг “Куч – адолатдир” деган ҳикмати бугун ҳам юрт тараққиёти ва давлат бошқарувида маънавий дастуриламал сифатида жаранглаб турибди.

Мустақиллик йилларида бутун бир маънавий олам халққа қайтарилди. Тасаввуф ва маърифат йўлининг буюк намояндаси Баҳоуддин Нақшбанд, ирфон мактабининг йирик намояндаси Абдуллоҳиқ Ғиждувоний, илм осмониди юлдуз бўлиб порлаган астроном ва мутафаккир Аҳмад-ал Фарғоний, ҳадис илмининг буюк намояндаларидан Ат-Термизий, Имом Бухорий, тилшунослик ва тафсир соҳасининг забардаст алломаси Маҳмуд-ал Замашҳарий каби улғу зотларнинг юбилейлари халқро миқёсда кенг нишонланди. Уларнинг илмий ва маънавий мероси қайта нашр этилди, зиёратгоҳлари обод қилинди, халқро анжуманлар ташкил этилди.

Халқимизнинг нафақат сиёсий эрки, балки тарихий адолат ҳам қайта тикланди. Айниқса, XX аср бошларида миллатнинг озодлиги, маърифати ва тараққиёти учун курашган жадид болаларимизнинг номи оқлаш – миллий ўзликни англаш йўлидаги энг улғу ишлардан бири бўлди. Гўё тарихнинг қоронғу саҳифалари орасидан ҳақиқат нури сизиб чиқди, ноҳақ тухматлар тўзони остида қолган буюк сиймолар яна

фақат сиёсий мустақилликнинг эълон қилиниши, балки миллий ғурури, эркин тафаккур ва халқ руҳининг қайта уйғонишини англаш тарихий воқеа эди.

Шундан кейинги йиллар давомида мамлакат босқичма-босқич янгилашиш, изчил ислохотлар ва кенг кўламли ўзгаришлар йўлидан борди. Илк даврда “Ўзбек модели” асосида мустақкам иқтисодий ва сиёсий пойдевор қўйилган бўлса, кейинги йилларда бу пойдевор устида замонавий давлатнинг янги қиёфаси барпо этилди.

Эркинлик камалагининг ранглари ҳаётнинг барча жабҳаларида тобора ёрқин намоён бўлиб, мамлакат тараққиёти, халқ фаровонлиги ва инсон қадрини юксалтириш йўлидаги эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Шунингдек, мамлакат иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда ҳам улкан ютуқларни қўлга киритди. Мустақилликнинг илк йилларида миллий ўзликни англаш ва кўп асрлик бой маънавий меросни тиклаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Бу жараён нафақат тарихий адолатни тиклаш, балки келажак авлод учун мустақкам маънавий пойдевор яратиш мақсадида амалга оширилди.

миллат қалбига қайтди.

Буюк адиб Абдулла Қодирий миллий романчиликка асос солган, халқ дардини қаламига жо этган ижодкор сифатида қайта кашф этилди. Унинг асарлари орқали халқ ўз тарихи, муҳаббати, изтироби ва орзуларини яна бир бор ҳис қилди. Бир вақтлар ман этилган китоблар бугун маънавият хазинасининг дурдонаси сифатида қадрланмоқда.

Шеърини қалбларга озодлик нафасини уфурган, миллат дардини шеърга айлантирган Чўлпон номи ҳам халққа қайтарилди. Унинг ҳар бир мисрасида Ватан соғинчи, эрка ташналик ва инсон қадрига бўлган юксак эҳтиром мужассам. Чўлпон сўзлари бугун ҳам қалбларни титратиб, миллатни ҳушёрлик ва маърифатга чорлаётгандек туюлади.

Маърифатпарвар олим, давлат ва жамият ҳақида теран фикрлар соҳиби бўлган Абдурауф Фитрат миллат тақдири учун қалами ва ақлини сафарбар этган буюк мутафаккир сифатида муносиб кадр топди. Шунингдек, халқни янги билмлар сари етаклаган, мактаб ва театрни миллий тараққиёт курали деб билган Маҳмудхўжа Бехбудий каби маърифатпарварларнинг ҳам номи тикланди. Уларнинг асарлари қайта нашр этилди, ҳаёти ва фаолияти чуқур ўрганилди, хотиралари абадийлаштирилди.

Қатагон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш мақсадида Тошкентда барпо этилган “Шаҳидлар хотираси” мажмуаси – миллат дарди ва сабогини мужассам этган муқаддас масканга айланди. Бу ерга ташриф буюрган инсон нафақат бир тарихий мажмуани кўради, балки ноҳақ қурбон бўлган минглаб ватандошлар тақдирини қалбдан ҳис этади. Сукутга чўмган бу маскан гўё ўтмишнинг оғрикли садосини – озодлик осон келмаганини, истиқлол йўли қурбонлар ва сабр билан қурилганини келажак авлодга етказиб туради.

“Шаҳидлар хотираси” мажмуаси – бу миллатнинг виждони, тарихий хотираси ва адолат рамзидир. Чунки ўз шаҳидларини унутган халқ келажак сабоқларини ҳам унутди. Ўзбекистон эса мустақиллик йилларида ана шу ҳақиқатни англаб, қатагон қурбонларининг номи халқ қалбига муҳрлади.

Саодат МУСАЕВА

Дунёда кечаётган глобаллашув жараёнлари, ахборот оқимининг кескин ортиши ва турли ғоявий таъсирларнинг кучайиши ёшлар тарбияси масаласини ҳар қачонгидан ҳам долзарб қилиб қўймоқда. Мамлакат тараққиёти, жамият барқарорлиги ва келажак истиқболи, аввало, ҳар томонлама етук, маънавий баркамол, мустақил фикрлайдиган ва ватанпарвар ёшларни тарбиялаш билан чамбарчас боғлиқдир. Шу боис олий таълим муассасалари фақат билим берувчи маскан эмас, балки юксак маънавиятли инсонни шакллантирувчи муҳим ижтимоий институт сифатида ҳам намоён бўлмоқда.

## ОЛИЙ ТАЪЛИМДА МАЪНАВИЯТНИНГ УСТУВОРЛИГИ

Бугунги кунда маънавий-маърифий фаолиятни такомиллаштириш олий таълим тизимида ёшларни баркамол шахс сифатида тарбиялашнинг устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этилмоқда. Замонавий билим ва касбий компетенцияларга эга бўлган мутахассисни тайёрлаш қанчалик муҳим бўлса, унинг маънавий дунёси бой, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбияланган бўлиши ҳам шунчалик аҳамиятлидир. Шу маънода Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг: “Таълим-тарбия – бу бизнинг келажакимиз, ҳаёт-мамонт масаласи”, деган фикрлари мазкур соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини яққол ифода этади.

Сўнги йилларда олий таълим тизимида ёшлар билан ишлаш самарадорлигини оширишга қаратилган муҳим ташкилий ўзгаришлар амалга оширилди. Хусусан, аввалги “маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор” лавозими “ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректор” сифатида қайта ташкил этилди. Бу эса ёшлар сиёсати ва маънавий тарбия масалалари олий таълим муассасалари фаолиятида устувор аҳамият касб этаётганидан далolat беради.

Ҳозирда биринчи проректорлар таълим муассасаларида нафақат ташкилий вазифаларни бажарувчи раҳбар, балки ёшлар манфаатларини ҳимоя қилувчи, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватловчи ва тарбиявий жараёнларга бош-қош бўлувчи масъул шахс сифатида фаолият юритмоқда. Бу эса университетларда маънавий муҳитни мустақкамлаш ва ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга хизмат қилмоқда.

Ёшлар билан мулоқотнинг янги механизми сифатида олий таълим муассасалари раҳбарларининг талабалар билан мунтазам очиқ учрашувлари йўлга қўйилди. Бундай мулоқотлар орқали талабалар ўз тақдир ва ташаббусларини бевосита раҳбариятга етказиш имкониятига эга бўлмоқда. Бу эса таълим муассасаларида очилган, шаффофлик ва ўзаро ишонч муҳитини мустақкамлашга хизмат қилмоқда.

Олий таълим тизимида жорий этилган тўтотлик институти ҳам ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашнинг самарали воситасига айланди. Тўтотлар талабаларнинг таълим олиши, ижтимоий фаоллиги, шахсий ривожланиши ва маънавий камолотини таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда. Ушбу тизим орқали ҳар бир талабага индивидуал ёндашув таъминланиб, унинг қизиқишлари, муаммолари ва ташаббусларига алоҳида эътибор қаратилаётган.

Президентимиз таъкидлаганидек: «Мақсадимиз – Янги Ўзбекистон ёшларини дунёқараши кенг, креатив фикрлайдиган, Ватан тақдири учун масъулиятни ўзиммасига олишга тайёр баркамол шахслар сифатида воёга етказиш». Мазкур ғоя бугун олий таълим тизимида амалга оширилаётган барча ислохотларнинг асосий мақсади ва ғоявий йўналишини белгилаб бермоқда.

Бу борада Чирчиқ давлат педагогика университетида амалга оширилаётган ишлар ҳам алоҳида эътиборга молик. Университетда ёшлар билан ишлаш ва маънавий-маърифий соҳани такомил-



**Жаҳонгир ЮРСИНБОЕВ,**  
Чирчиқ давлат педагогика  
университети  
Ёшлар билан ишлаш, маънавият  
ва маърифат бўлими бошлиғи

лаштириш бўйича самарали тизим шакллантирилган. Ўзбекистон Фан арбоби, университет ректори Ғафуржон Муҳамедов раҳбарлигида ҳамда ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректор, педагогика фанлари доктори, профессор Самаридин Қораев бошчилигида мазкур йўналишда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Университетда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш, миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ҳамда турли маънавий-маърифий тадбирларни юқори савияда ташкил этиш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда. Факультетларда деканнинг ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари ҳамда тўтотлар фаолияти бу жараённинг муҳим бўғини ҳисобланади.

Айниқса, университетда фаолият юритаётган тўтотлар талабаларнинг ўқишдан ташқари ҳаётини самарали ташкил этиш, талабалар турар жойларидаги шароитларни ўрганиш, ижарада яшовчи талабалар муаммоларини ҳал этиш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш борасида муҳим вазифаларни бажармоқда. Энг муҳими, тўтотлар ҳар бир талабанинг шахсий ривожланиши ва ҳаётий мақсадларини қўллаб-қувватловчи мураббий сифатида ҳам фаолият юритмоқда.

Университетда талабалар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг фикр ва мулоҳазаларини инобатга олиш, раҳбарият билан доимий мулоқотни таъминлашга қаратилган ишлар ҳам изчил давом эттирилмоқда. Бу эса ёшларнинг таълим муассасаси ҳаётидаги иштирокини кучайтириш ва уларнинг фуқаролик позициясини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, олий таълим тизимида маънавий-маърифий фаолиятни такомиллаштириш ёшларни ҳар томонлама етук, интеллектуал салоҳиятли, маънавий баркамол ва Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси билан яшайдиган шахслар этиб тарбиялашнинг муҳим шarti ҳисобланади. Чирчиқ давлат педагогика университетида амалга оширилаётган ишлар эса мазкур йўналишдаги ислохотларнинг амалий самараси ва ҳаётий аҳамиятини яққол намоён этмоқда.

## ҲОСИЛ СИФАТИ- БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЁТ МЕЗОНИ



Бугунги кунда глобаллашув жараёнларининг жадаллашиши, халқаро савдо муносабатларининг кенгайиши ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳаракатининг ортиши фитосанитар хавфсизликни таъминлаш масаласини давлат сиёсати даражасидаги устувор вазифалардан бирига айлантормоқда. Фитосанитар хавфсизлик – бу нафақат карантин назорати ёки зараркунандага қарши кураш тадбирлари мажмуаси, балки миллий иқтисодиётни ташқи ва ички биологик хавфлардан ҳимоя қилувчи муҳим тизим ҳисобланади.

Карантин аҳамиятига эга бўлган биргина зараркунанда ёки хавфли касалликнинг мамлакат ҳудудига кириб келиши қишлоқ хўжалиги тармоқларига катта иқтисодий зарар етказиши, ҳосилдорликни пасайтириши ва ташқи бозорларда мамлакат обрўсига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Бугунги кунда дунё мамлакатлари ўз ҳудудларини инвазив зараркунандалар ва хавфли касалликлардан муҳофаза қилиш учун фитосанитар талабларни йилдан-йилга кучайтириб бормоқда. Бу эса экспорт қилувчи давлатлардан янада юқори масъулият, аниқ назорат ва халқаро стандартларга қатъий амал қилишни талаб этади.

Ўзбекистон Республикасида ҳам мазкур соҳага алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўсимликлар карантини ва ҳимояси тизими томонидан чегара масканлари, ташқи иқтисодий фаолият объектлари, омборлар, логистика марказлари ва экспорт юклари устидан доимий фитосанитар назорат тадбирлари амалга оширилмоқда. Айниқса, экспортга йўналтирилаётган мева-сабзавот маҳсулотларининг фито-

санитар ҳолатини таъминлаш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Чунки халқаро бозорда маҳсулотнинг рақобатбардошлиги нафақат унинг ташқи кўриниши ёки таъм хусусиятлари билан, балки фитосанитар тозаллиги ва хавфсизлиги билан ҳам баҳоланади. Шу сабабли маҳсулотларни етиштиришдан тортиб, йиғиб олиш, сақлаш, қадоқлаш ва экспорт қилишгача бўлган барча босқичларда фитосанитар талабларга қатъий риоя этилиши талаб этилади.

Шу билан бирга, фитосанитар маданиятни юксалтириш ҳар бир фермер, деҳқон ва тадбиркорнинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Чунки фитосанитар хавфсизликни таъминлаш фақат давлат органларининг эмас, балки бутун жамиятнинг умумий масъулиятидир. Қонунчилик талабларига амал қилиш, назоратсиз кўчат ва уруғлик маҳсулотларини олиб кирмаслик, карантин қоидаларига риоя қилиш орқали ҳар бир фуқаро мамлакат фитосанитар хавфсизлигига ўз ҳиссасини қўшади.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти ҳажминини янада ошириш, янги бозорларни эгаллаш ва миллий маҳсулотлар нуфузини юксалтиришда фитосанитар тизимнинг ўрни бекиёсдир. Зеро, халқаро бозор ишончли қадрлайди, ишонч эса сифат ва хавфсизлик орқали шаклланади.

**Мирасил ШУКУРИЛЛАЕВ,**  
**Абдуқодир УСАРБОЕВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги Тошкент вилояти бошқармаси Чирчиқ Ташқи Иқтисодий фаолият маскани инспекторлари**

Ёзги таътил болалар учун нафақат дам олиш, балки янги билим ва кўникмаларни эгаллаш, ўз устида ишлаш учун ҳам катта имкониятдир. Таътил кунларини мазмунли ва самарали ўтказишда шахмат ўйинининг ўрни бекиёс. Чунки шахмат болаларнинг ақлий ривожланишига хизмат қилувчи энг фойдали машғулотлардан бири ҳисобланади.

Кўпинча таътил даврида болаларнинг бўш вақти ортиб, уларнинг асосий машғулоти телефон, компьютер ёки турли ўйинларга берилиб кетиши мумкин. Шахмат эса бу вақтни фойдали ўтказиш, ақлни чархлаш ва тафаккурни ривожлантиришнинг энг самарали воситаларидан саналади. Бир қарашда оддий ўйин бўлиб кўринган шахмат аслида болани мустақил фикрлашга, ҳар бир ҳаракатини олдиндан режалаштиришга ва тўғри қарор қабул қилишга ўргатади.



## ШАХМАТ – ТАЪТИЛДАГИ ЭНГ ФОЙДАЛИ МАШҒУЛОТ

Таътил пайтида шахмат билан мунтазам шуғулланган болаларнинг хотираси мустаҳкамланади, диққатини жамлаш қобилияти ортади ва мантиқий фикрлаши ривожланади. Бу эса янги ўқув йили бошланганда фанларни ўзлаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, математика, информатика ва аниқ фанларга қизиқувчи ўқувчилар учун шахмат ҳақиқий ақлий машқ вазифасини бажаради.

Шахматнинг яна бир афзаллиги шундаки, у болаларни сабр-тоқатли бўлишга ўргатади. Ҳар бир партиядо ғалаба қозониш учун шошилмаслик, вазиятни чуқур таҳлил қилиш ва энг мақбул йўлни танлаш талаб этилади. Бу фазилатлар нафақат шахмат тахтаси ортида, балки кундалик ҳаётда ҳам асқотади.

Ёзги таътилда маҳаллалар, маданият марказлари ва таълим муассасаларида ташкил этилаётган шахмат тўғрақлари ва мусобақалари болалар учун янада қизиқарли имкониятлар яратмоқда. Бундай машғулотлар орқали улар янги дўстлар орттириш, ўз иқтидорини намён этиш ва бўш вақтини мазмунли ўтказиш имконига эга бўладилар.

Шахмат болаларни фақат билимли эмас, балки иродали, масъулиятли ва кенг фикрловчи инсон қилиб тарбиялайди. Шу боис ота-оналар таътил даврида фарзандларининг шахмат билан шуғулланишига алоҳида эътибор қаратишлари, шахмат тўғрақларига беришлари мақсадга мувофиқдир.

Хулоса қилиб айтганда, таътил – бу ўз устида ишлаш, янги билимларни эгаллаш ва қобилиятларни ривожлантириш давридир. Шахмат эса ана шу имкониятларни рўйбга чиқаришга хизмат қилувчи энг самарали ва фойдали машғулотлардан бири ҳисобланади. Таътилни шахмат билан ўтказган бола янги ўқув йилига янада билимли, зехни ўткир ва ишончли қадамлар билан кириб келади.

Бугунги кунда Ўзбекистон шахмат мактаби дунёда ўз ўрнига эга бўлиб бормоқда. Мамлакатимиздан етишиб чиққан ёш гроссмейстерлар халқаро майдонларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқда. Ана шундай истеъдодли шахматчилардан бири – Жавоҳир Синдаров. Унинг жаҳон шахматидаги ютуқлари ва юқори натижалари минглаб болалар учун ҳақиқий ибрат мактаби бўлиб хизмат қилмоқда. Таътил даврида шахмат билан мунтазам шуғулланаётган болалар орасида ҳам келажакда Жавоҳир Синдаров, Нодирбек Абдусатторов каби дунё чемпионлари ва халқаро мусобақалар ғолиблари етишиб чиқиши мумкин. Чунки ҳар бир буюк чемпионнинг йўли болаликдаги қизиқиш, меҳнат ва изчил машғулотлардан бошланади.

**Жўрабек ЗУЛФИҚОРОВ,**  
**"Нуронийлар" гуруҳи аъзоси**

### Мулоҳаза

## БАРМОҚ ОСТИДАГИ АСИРЛИК

Кунини кеча ижтимоий тармоқда қизиқ бир видеога кўзим тушди. Унда шундай дейиларди: "Ҳаёт салбий фикрлар учун жуда қисқа. Кўпроқ кулинг, яхши хотираларни қадрланг ва ҳар бир кундан завқ олинг". Бу гапларни эшитган ҳар қандай инсон ҳаётга янада ижобий назар билан қарагиси келади. Аммо шундай лаҳзаларда бир савол туғилади: биз ҳақиқатан ҳам ҳаётдан завқ оляпмизми ёки уни экран орқали томоша қилиб кўйяпмизми?


Бугун деярли ҳар бир инсон ижтимоий тармоқлардан фойдаланади. Улар мулоқот қилиш, билим олиш, янгиликлардан хабардор бўлиш ва дунё билан боғланиш имконини берди. Бироқ фойдали мақсадда қўлга олинган телефон кўпинча инсонни қисқа видеолар оқимида тортиб кетади.

Бир неча дақиқага кирган инсон бир пайт қараса, соатлар ўтиб кетган бўлади. Бу ҳолат тасодиғ эмас. Қисқа видеолар инсон миясида завқ ва қизиқиш ҳиссини уйғотувчи дофамин моддасининг тез-тез ажралашига сабаб бўлади. Натижада мия яна ва яна янги видеоларни кўришни хоҳлай бошлайди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, гаджетлар билан ортиқча вақт ўтказиш диққатнинг сусайиши, уйқу бузилиши, тез чарчаш, бош оғриғи ва руҳий тушкун-

ликка олиб келиши мумкин. Бугун кўпчиликда суҳбат давомида ҳам диққатни узоқ вақт бир жойга жамлаш қийинлашиб бормоқда.

Яна бир хавотирли жиҳат шундаки, ижтимоий тармоқларда намойиш этилаётган ҳаёт ҳар доим ҳам ҳақиқий эмас. Турли филтрлар ва



тахрирвоситалари орқали безатилган тасвирлар инсонда ўз ҳаётдан норозилик ҳиссини уйғотиши мумкин. Психологлар бу ҳолатни «сохта ҳаёт синдроми» деб аташади.

Хўш, бу ҳолатдан чиқиш мумкинми? Албатта.

Аввало, ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш вақтига чеклов ўрнатиш керак. Турли дастурлар орқали экран олдида қанча вақт сарфланаётганини назорат қилиш мумкин. Шунингдек, кераксиз хабарно-

маларни ўчириш ҳам диққатни жамлашга ёрдам беради.

Бўш вақтни мазмунли машғулотларга сарфлаш эса янада муҳим. Китоб мутлоаси, кундалик юришиш, сайр қилиш, спорт

билан шуғулланиш, ижодий фаолият ёки мантиқий ўйинлар инсонни виртуал муҳитдан ҳақиқий ҳаётга қайтариши мумкин.

Баъзан эса ҳеч нарса қилмаслик ҳам фойда беради. Зерикиш инсон тафаккурини ишга солади, янги ғоялар ва кашфиётларга туртки бўлади.

Японияда кенг тарқалган "Ichigo-ichiye" фалсафасига кўра, инсон ҳар бир лаҳзани тақорланмас воқеа сифатида қабул қилиши ва ундан завқ олишни билиши керак. Бу қараш бир вақтнинг ўзида бир неча иш қилишдан кўра, айнан шу онни ҳис этиш муҳимлигини уқтиради.

Ҳаёт экранда эмас, атрофимизда давом этмоқда. Қушлар сайраши, шамолнинг шивирлаши, яқинлар билан суҳбат ва самимий табассумлар ҳеч қандай видеога тўлиқ акс этмайди. Шунинг учун баъзан телефонни бир четга қўйиб, бошни кўтариш ва ҳаётнинг ўзига назар ташлаш керак. Чунки энг қимматли лаҳзалар экран ортида эмас, ҳаётнинг ўзидир.

**Диёра МИРЗАЕВА,**  
**Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабаси**

## BILIM – ENG ISHONCHLI QUROL



**Ayni kunlarda O'zbekiston Respublikasi Harbiy xavfsizlik va mudofaa universiteti Quruqlikdagi qo'shinlar institutida bitiruvchi kursantlarning yakuniy davlat attestatsiyasi shiddatli pallaga kirdi.**

Bitiruvchi kursantlar uchun eng mas'uliyatli imtihon – yakuniy davlat attestatsiyasi shaffoflik va adolat tamoyillari asosida, bir vaqtning o'zida ham nazariy, ham amaliy shaklda tashkil etilgan.

Kursantlar harbiy fanlar, taktik tayyorgarlik, qurol-aslaha va harbiy texnikadan foydalanish, harbiy nizomlar hamda umumkasbiy fanlar bo'yicha egallagan bilimlarini namoyish etmoqda. Nazariy sinovlar zamonaviy test va savol-javob usullari asosida olib borilsa, amaliy mashg'ulotlarda kursantlarning real sharoitlarda tezkor qaror qabul qilish, jamoa bilan ishlash va harbiy vazifalarni bajarish qobiliyatlarini sinovdan o'tkazilmoqda.

Imtihonlar xolislik tamoyili asosida malakali professor-o'qituvchilar hamda soha mutaxassislari nazorati ostida kechmoqda.

Mutasaddilarning ta'kidlashicha, attestatsiya bo'lajak ofitserlarning kasbiy tayyorgarlik darajasini aniqlash, mavjud bilimlarni mustahkamlash va kelgusi xizmat faoliyatiga puxta tayyorlashda hal qiluvchi o'rin tutadi. Institutda yaratilgan

zamonaviy o'quv-moddiy baza, innovatsion ta'lim texnologiyalari va amaliy mashg'ulot sharoitlari kursantlarning yuqori natijalarga erishishiga xizmat qilmoqda.

Komandirlik va boshliqlik lavozimlariga yo'naltiriladigan bo'lajak ofitserlar uchun liderlik sifatlarini shakllantiradigan, boshqaruv ko'nikmasini oshiradigan, shaxsiy tarkib oldida teran va ta'sirchan nutq so'zlay olish qobiliyatiga sayqal beradigan fanlarni o'zlashtirish alohida ahamiyat kasb etadi. Zero, bugungi armiya keng dunyoqarashli, teran fikrli, zamonaviy ilm-fandan boxabar va madaniyatli harbiy kadrlarni talab qilmoqda.

Ishonamizki, oliy harbiy ta'lim muassasasining bu bitiruvchilari o'z sohasining yetuk mutaxassisi bo'lish barobarida vatanparvarlik, jonkuyarlik, sadoqat va liderlik fazilatlarini o'zida mujassam etadi.

Attestatsiya imtihonlarining muvaffaqiyatli o'tkazilishi mamlakatimiz Qurolli Kuchlari uchun malakali, bilimli va fidoyi harbiy kadrlar tayyorlash yo'lidagi muhim qadamlardan biridir.

**Zarif MAHAMMADIYEV,  
Quruqlikdagi qo'shinlar instituti  
Qurollanish va otish kafedrasida siki  
boshlig'i, podpolkovnik**

**Globalashuv davrida yoshlarni harbiy-vatanparvarlik ruhida tarbiyalash nega bugun har qachongidan dolzarb?**

Bugungi globalashuv davrida dunyo tobora murakkablashib, turli ma'naviy-axloqiy buzg'unchiliklar hamda ilgari tasavvur ham qilinmagan tahdidlar avj olmoqda. Ana shunday tahlikali sharoitda yoshlar tarbiyasi har qachongidan ham dolzarb masalaga aylangani haqiqat.

Abdulla Avloniyning "Tarbiya biz uchun yo hayot – yo mamot, yo najot – yo halokat masalasidir" degan teran so'zlari XX asr boshida millatimiz uchun qanchalik muhim bo'lgan bo'lsa, bugun, ehtimol, undan-da kuchliroq ahamiyat kasb etmoqda.

## VATANPARVARLIK QALBGA MUHURLANADI

Vatanparvarlik va Vatan himoyasi – bugungi O'zbekistonning ma'naviy-axloqiy taraqqiyotidagi eng ustuvor tamoyillardan biridir. Shu nuqtai nazardan ma'naviy merosimiz, buyuk sarkarda bobolarimiz va xalq qahramonlarining jasoratidan o'rnak olish yoshlarni Vatanga sadoqat ruhida tarbiyalashda hal qiluvchi ahamiyatga ega.

Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev ta'kidlaganidek, yangi O'zbekistonda yosh avlodning jismonan va ma'nadan sog'lom, ona Vatanga fidoyi insonlar bo'lib ulg'ayishi uchun barcha kuch va imkoniyat safarbar etiladi. Mafkuraviy kurashlar keskinlashib, axborot makonida tahdidlar ortib borayotgan hozirgi sharoitda har birimiz doimiy ogoh va faol fuqarolik pozitsiyasiga ega bo'lishimiz zarur.

So'nggi yillardagi keng ko'lamlı islohotlar harbiy sohani ham chetlab o'tmadi. Yoshlarni harbiy-vatanparvarlik ruhida tarbiyalash, harbiy xizmatchilarning ma'naviy saviyasi hamda jangovar ruhini oshirish, harbiy sohadagi xotin-qizlar va xizmatchilar oilalari bilan ishlash tizimini takomillashtirish bo'yicha izchil ishlar amalga oshirilmoqda. Bu borada oliy harbiy ta'lim muassasalarida o'tkazilayotgan "Uch avlod uchrashuvi", "Harbiy qismda bir kun", "Ochiq eshiklar kuni" kabi tadbirlar muhim omil bo'lib xizmat qilmoqda.

Harbiy xizmatchilar ongiga Vatan yagonaligi, milliy mustaqillikni asrash, tajovuzlarga qarshi mardona kurashish va yot g'oyalarga qarshi mustahkam mafkuraviy immunitetni qaror toptirish – bugungi kunning dolzarb vazifalaridandir. Ayniqsa, harbiy sohada tahsil olayotgan kursantlarda sog'lom tafakkur va ilmiy dunyoqarashni shakllantirish alohida ahamiyat kasb etadi. Bunda qadimiy tariximiz, buyuk allomalarimizning boy merosi, To'maris, Shiroq, Spitamen kabi xalq qahramonlarining matonati, Jaloliddin Manguberdi, Temur Malik, Amir Temur va Zahiriddin Bobur kabi sarkarda bobolarimizning jahon harbiy san'atiga qo'shgan hissasini chuqur o'rganish kursantlarni yetuk va barkamol insonlar sifatida tarbiyalashga xizmat qiladi. XX asr boshida milliy istiqol uchun kurashgan Shermuhammadbek, Madaminbek, Ibrohimbek kabi qahramonlarning fidoyiligi esa yoshlarda mardlik, shijoat va milliy g'ururni yuksaltirishda muhim manba bo'lib qoladi.

Kursant va tinglovchilarimizda ona Vatanga cheksiz hurmat, keng dunyoqarash, mustahkam imon-e'tiqod va fidoyilik – chinakam Vatan himoyachilariga xos fazilatlarini shakllantirish har bir ziyoli insonning ma'naviy burchi bo'lishi lozim.

**Bahodir XAITOV,  
Milliy iftixor va harbiy vatanparvarlik kafedrasida katta o'qituvchisi**

Mustaqillik sharofati bilan tariximizga, ma'naviy qadriyatlarimizga va o'tmish mutafakkirlarining boy merosiga munosabat tubdan o'zgardi. Bir paytlar tarix sahifalaridan o'chirib tashlangan ko'plab allomalarning nomlari bugun tiklanmoqda. Jadidchilik harakati ana shunday qayta kashf etilgan ulkan ma'rifiy hodisadir.

Yirik ijtimoiy-tarixiy harakat sifatida jadidchilik Kavkaz, Rossiya, Turkiya va O'rta Osiyo musulmonlari orasida keng yoyildi. U xalqni jahon sivilizatsiyasi yutuqlaridan bahramand bo'lishga chaqirdi, feodal cheklanishlar va ma'naviy

edi. Ma'rifat uchun kurash dasturi esa uch yo'nalishda namoyon bo'ldi: yangi usul maktablarini ochish, ma'rifiy jamiyatlar tuzish va iqtidorli yoshlarni chet elga o'qishga yuborish.

Bog'chasaro'ydastlabki jadid maktabini

Buxoroda Abdurauf Fitrat "Munozara" va "Hind sayyohining qissasi" asarlari orqali amirlik tartiblariga e'tiroz bildirdi. "Bir paytlar Ibn Sino va Forobiyning jahonga hadya etgan yurt nega tanazzulga yuz tutdi?" – deya savol

## JADIDCHILIK HARAKATI – MA'RIFIY JASORAT

tanazzul sabablarini ochiq tushuntirishga harakat qildi. Prezidentimiz Sh.Mirziyoyev ta'kidlaganidek, vatan ozodligi yo'lida jonini fido qilgan jadidlarning ilmiy-ma'rifiy va adabiy merosi bugun ham beqiyos ahamiyatga ega.

Harakat o'lka aholisining ayancli ahvoli, Turkistonning jahon taraqqiyotidan orqada qolishi va og'ir turmushdan qutulish istagi zaminida vujudga keldi. Jaholat uyqusidan uyg'onish tarixiy zaruratga aylangan edi. Millatning dardini o'z qalbidan o'tkazgan, aql-zakovatini erk va taraqqiyot uchun safarbar etgan ziyolilarning butun bir yangi avlodi maydonga chiqdi.

Jadidlarning asosiy maqsadlari – Turkistonni qoloqlik va xurofotdan ozod etish, xalqqa ma'rifat tarqatish, muxtoriyat uchun kurash, Buxoro va Xivada parlament tuzumini o'rnatish, milliy valyuta va milliy qo'shin tashkil etish

ochgan Ismoil Gaspirinskiy 1893-yilda Turkistonga keladi, Buxoro, Samarqand va Toshkentda taraqqiyparvar ziyolilar bilan uchrashadi. Amir Abdulaxadni jadid maktabi ochishga ko'ndiradi – bu maktab "Muzaffariya" deb ataladi. "Usuli jaded" maktablarida diniy fanlar va arab tili bilan birga tibbiyot, kimyo, handasa, rus va fors tillari – jami 17 tagacha fan o'qitilishi nazarda tutilgan edi.

Harakatning yetakchi siymolaridan biri Munavvarqori Abdurashidxonov 1901-yilda Toshkentda usuli jadid maktabini ochib, o'quv dasturlari tuzdi, "Adibi avval", "Usuli hisob" kabi darsliklar yaratdi. Maxmudxo'ja Behbudiy tashabbusi bilan Samarqandda yangi maktablar ochilib, ular uchun o'nlab qo'llanmalar yozildi. Abdulla Avloniy esa "Turkiy guliston yoxud axloq" asari bilan mashhur bo'ldi.

bergan adib unga yagona javobni – ma'rifatni ko'rsatadi. Xorazmda ham jadid maktablari ochilib, 1906–1907-yillarda Urganchda qizlar uchun ham maktab faoliyat yuritdi.

Jadidlar maktab ochish bilangina cheklanmadi – keng xalq ommasi uchun kutubxonalar ham barpo etdi. Moddiy qiyinchilik va siyosiy tazyiqqa qaramay, ular millatning ma'naviy yuksalishi uchun imkoniyat yaratdi. Tarixning murakkab burilish davrida xalq ongini ko'tarish va milliy iftixor tuyg'usini kuchaytirishni o'zlarining birinchi darajali vazifasi deb bildi.

Jadid bobolarimiz yurti obod, Vatanni mustaqil ko'rishni orzu qilib, shu yo'lda fidoyilarcha kurashdi. Ularning merosi bugun ham ma'rifat va vatanparvarlik mezoni sifatida avlodlarga ibrat bo'lib qolmoqda.

**Ulug'bek KOMILOV,  
Qurollanish va  
otish kafedrasida katta  
o'qituvchisi**

**Korrupsiya bugun nafaqat alohida davlatlar, balki butun jahon hamjamiyatini tashvishga solayotgan global muammoldan biri hisoblanadi. U iqtisodiy taraqqiyotga to'sqinlik qiladi, davlat boshqaruviga bo'lgan ishonchni susaytiradi va ijtimoiy adolat tamoyillariga putur yetkazadi.**

Davlatimiz rahbari ta'kidlaganidek, korrupsiyaga qarshi kurash davlat idoralari uchun emas, balki butun jamiyatning vazifasi bo'lishi kerak. Shu bois mahalla faollari, nuroniyalar, ziyolilar, tadbirkorlar, deputatlar, ommaviy axborot vositalari va keng jamoatchilik ushbu illatga qarshi birlashgan holda kurash olib borishi zarur.

## KORRUPSIYANI qonun emas, IJTIMOY FIKR yengadi

So'nggi yillarda mamlakatimizda korrupsiyaga qarshi kurashishning huquqiy va institutsional asoslari mustahkamlandi. 2017-yilda qabul qilingan "Korrupsiyaga qarshi kurashish to'g'risida"gi Qonun bu boradagi islohotlar uchun mustahkam huquqiy po'ydevor bo'ldi. Keyingi yillarda davlat boshqaruvi tizimi takomillashtirilib, byurokratik to'siqlarni qisqartirish, davlat xizmatlari sifatini oshirish va ochiqlikni ta'minlashga qaratilgan keng ko'lamlı chora-tadbirlar amalga oshirildi.

Korrupsiyaga qarshi kurashish agentligining tashkil etilishi mazkur sohada ishlar samaradorligini yangi bosqichga olib chiqdi. Agentlik davlat organlari faoliyatida ochiqlikni ta'minlash, jamoatchilik nazoratini kuchaytirish, nodavlat notijorat tashkilotlari va fuqarolik jamiyati institutlari tashabbuslarini qo'llab-quvvatlash kabi muhim vazifalarni amalga oshirmoqda.

Ayniqsa, davlat organlari va tashkilotlari faoliyatining ochiqligini ta'minlash, aholi uchun muhim bo'lgan ma'lumotlarni e'lon qilib borish, davlat xaridlarining shaffofligini oshirish borasidagi ishlar

korrupsiya xavfini kamaytirishga xizmat qilmoqda. Raqamlashtirish jarayonlari ham inson omilini qisqartirish orqali turli suiiste'molliklarning oldini olishda muhim ahamiyat kasb etmoqda.

Bu jarayonda fuqarolik jamiyati institutlari va ommaviy axborot vositalarining o'rni alohida ahamiyatga ega. Jamoatchilik nazoratining kuchayishi davlat idoralari faoliyatining ochiq va hisobdor bo'lishini ta'minlaydi. Nodavlat notijorat tashkilotlari, mustaqil ekspertlar va jurnalistik surishtiruvchi korrupsiyaga



qarshi kurashishning ta'sirchan vositalaridan biri bo'lib xizmat qilmoqda.

Korrupsiyaga qarshi kurash faqat jazo choralarini kuchaytirish bilan cheklanmaydi. Eng muhimi, jamiyatda halollik, adolat va qonunga hurmat muhitini shakllantirishdir. Har bir fuqaroning befarq bo'lmasligi, davlat xizmatchilarining o'z faoliyatini his qilishi korrupsiyaning oldini olishda muhim omil hisoblanadi.

Xulosa qilib aytganda, korrupsiyaga qarshi kurash davlat va jamiyatning umumiy vazifasidir. Bu yo'lda qonunlar, nazorat mexanizmlari va jazo choralarini muhim ahamiyatga ega bo'lsa-da, hal qiluvchi kuch fuqarolik pozitsiyasi, jamoatchilik nazorati va har bir insonning halollik tamoyillariga sodiqligida namoyon bo'ldi.

**Tohirjon NORMETOV,  
Quruqlikdagi qo'shinlar instituti  
o'qituvchisi,  
dotsent**

## ШАРОИТ БОР, НАТИЖА-ЧИ?

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Қайд этилишича, шаҳарда содир этилган жиноятларнинг салмоқли қисми мулк жиноятлар ҳиссасига тўғри келган.

Йиғилишда рақамли платформаларга аҳоли маълумотларини киритиш ва хонадонларни ўрганиш ишлари ҳам таҳлил қилинди. Бу борада белгиланган вазифалар тўлиқ бажарилмагани, аҳолининг маълум қисми ҳали рақамли тизимларга қамраб олинмагани қайд этилди.

Шу билан бирга, ижро интизоми масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Масъул идоралар ва мутасаддиларнинг йиғилишлардаги иштироки ҳамда белгиланган топшириқлар ижроси қониқарли эмаслиги танқид остига олинди.

## "ЕТТИЛИК" ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Маърузада соҳадаги янги тартибларга ҳам тўхталиб ўтилди. Республикада 500 та маҳаллада "маҳалла еттилиги" вакиллари ўз ёки ёндош маҳалласидан тайинлаш амалиёти жорий этилмоқда – шаҳримиздаги "Ғалаба" ва "Умид" маҳаллалари ушбу тажрибага киритилган. Бундан буён еттилик аъзоларига вазифасига дахлдор бўлмаган ишларни юклаш қатъий тақиқланади, талабларни бузган мансабдорларга нисбатан эса жазо чоралари – лавозимдан озод этишгача бўлган таклифлар киритиб борилади.

Йиғилиш сўнгиде келгусидаги устувор вазифалар белгиланди: еттилик аъзоларининг кунлик давомати "UzFace ID" тизими орқали назоратга

олиниши, ҳар чорак якунида фуқаролар олдида шахсий ҳисобот берилиши, "қизил" маҳаллаларда тунги патрул ва хонадонбай ўрганишларни кучайтириш, реестрдан четда қолган 338 та оилани тизимга тўлиқ киритиш ҳамда "Ягона саволнома" ижроси паст бўлган 10 та маҳаллада сўровномани уч кун ичида 100 фоизга етказиш топширилди.

"Маҳалла – давлатнинг энг қуйи ва энг халқчил бўғини. Бу ерда расмиятчилик, сохта ҳисоботлар ва масъулиятсизликка ўрин бўлмаслиги керак", – деб якунлади ўз сўзини маърузачи. Берилган топшириқлар ижроси ҳар ойда шаҳар Кенгаши йиғилишида танқидий муҳокама қилиб борилиши таъкидланди.

## СОХТА ҚАРОРЛАР ОРТИДАГИ ЖИНОЯТ



Судда аниқланишича, А.Раҳимов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) сохта суд қарорларини тайёрлаш орқали Чирчиқ шаҳридаги бир неча квартираларга ноқонуний равишда эгалик ҳуқуқини расмийлаштирган.

У аввал "Истиклол" маҳалласидаги квартирани ўз номига ўтказиш учун гўеки фуқаролик суди томонидан қарор чиқарилганлиги ҳақида қалбаки ҳужжат тайёрлаб, уни электрон тизим орқали кадастр органларига юборган ва мулк ҳуқуқини расмийлаштиришга эришган.

Шундан сўнг у яна бир неча хонадонларга нисбатан ҳам худди шу усулни қўллаган. Тергов материалларига кўра, ушбу уй-жойлар буйича амалда ҳеч қандай олди-сотди шартномаси тузилмаган ва судларда тегишли ишлар кўрилмаган бўлса-да, сохта қарорлар тайёрланиб, электрон тизим орқали кадастр идораларига тақдим этилган.

Суд мажлисида А.Раҳимов айбига тўлиқ иқроор бўлиб, учта квартирани қалбаки суд қарорлари асосида ўз номига расмийлаштирилгани тан олди. У мазкур уй-жойларнинг эгаларига ҳеч қандай ҳақ тўламаганини, улар билан шахсан таниш ҳам бўлмаганини билдирди.

Судланувчининг кўрсатмасига кўра, А.Раҳимов аввал ҳуқуқ соҳасида фаолият юритгани сабабли турли суд қарорлари нусхаларига эга бўлган. Кейинчалик ушбу ҳужжатлардан намуна сифатида фойдаланиб, компьютер орқали сохта қарорлар тайёрлаган ҳамда уларни расмий ҳужжат сифатида тақдим этган.

Натижада, бошқа шахсларга тегишли бўлган бир нечта кўчмас мулк объектлари ноқонуний равишда унинг номига расмийлаштирилган.

Суд ҳукмига кўра, А.Раҳимов фирибгарлик ва ҳужжатларни қалбакилаштириш жиноятларида айбли деб топилди.

Унга адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқидан 3 йил муддатга маҳрум қилиш ҳамда ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Ҳукм қонуний кучга киргач, жиноятни содир этишда фойдаланилган компьютер техникаси, монитор ва рангли принтер давлат фойдасига ўтказилди.

Тергов жараёнида ноқонуний равишда унинг номига расмийлаштирилган учта квартира ҳақиқий эгалари номига қайта расмийлаштирилгани ҳамда етказилган зарар тўлиқ қоплангани инобатга олинди.

Жабрланувчиларга зарурат туғилганда моддий ва маънавий зарарни ундириш буйича фуқаролик тартибиде судга мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилди.

Саодат МУСАЕВА

## МИРОБ ФАОЛИЯТИ: АҚЛ ВА ТЕХНОЛОГИЯ



Дала узра айланаётган дрон, ҳар бир тупга томчилаб тушаётган сув, спутникдан келаётган аниқ координаталар... Бугунги қишлоқ хўжалиги аллақачон оддий деҳқончилик доирасидан чиқиб, ақл ва технология билан бошқариладиган стратегик тармоққа айланди. Бу тармоқ аҳолини сифатли озиқ-овқат билан таъминлайди, саноатга хомашё беради, экспортни кенгайтиради ва қишлоқда иш ўринларини яратади. Қисқаси, у нафақат иқтисодийнинг, балки мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигининг ҳам таянчидир.

Аҳоли сонининг ўсиши, урбанизация ва жаҳон бозоридаги ўзгаришлар аграр соҳа олдида янги вазифалар қўймоқда. Бунинг устига иқлим ўзгариши, сув захираларининг камайиши ва тупроқ деградацияси соҳани илмий асосда ривожлантиришни кечиктириб бўлмас заруратга айлантди. Шу боис Ўзбекистонда тармоқни модернизация қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган.

Сўнгги йилларда фермер ва деҳқон хўжаликларини қўллаб-қувватлаш, агрокластерларни ривожлантириш ҳамда маҳсулотларни чуқур қайта ишлаш буйича кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди. Натижада ишлаб чиқарувчиларнинг манфаатдорлиги ортиб, мева-сабзавотчилик, узумчилик ва иссиқхона хўжаликлари жадал ўсди. Бугун Ўзбекистон мевалари ва сабзавотлари ўнлаб дав-

латларга экспорт қилиниб, халқаро бозорда ўз ўрнини мустаҳкамлаб бормоқда.

Технология далаининг янги «деҳқони». Замонавий техника, автоматлаштирилган бошқарув ва сунъий интеллект самарадорликни сезиларли оширмоқда. Дронлар ёрдамида экинзорлар кузатилади, зараркунанда ва касалликлар эрта аниқланади, ўғит ҳамда ҳимоя воситалари аниқ меъёрда қўлланилади. GPS техникани аниқ бошқаришга хизмат қилса, GIS географик маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва хариталаш орқали ҳосилдорликни олдиндан башорат қилиш имконини беради.

Сув тақчиллиги бугун бутун Марказий Осиё учун долзарб муаммо. Шу сабаб минглаб гектар майдонда томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш жорий этилди. Мутахассисларнинг ҳисобига кўра, томчилатиб суғориш сув сарфини 40–50 фоизга ка-

майтириб, ҳосилдорликни 20–30 фоизга оширади – яъни ҳам иқтисодий, ҳам экологик ютуқ.

Халқаро бозорда рақобатбардош бўлиш учун сифат кафолати шарт. Шу боис корхоналарда ISO 22000 ва HACCP тизимлари жорий этилиб, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичида биологик, кимёвий ва физик хавфлар назоратга олинмоқда. GlobalG.A.P. стандарти эса экин етиштиришда хавфсизлик ва атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаб, маҳсулотнинг экспорт қийматини оширади. Бундай стандартлар маҳсулотнинг "ту-проқдан дастурхонгача" бўлган йўлини кузатиш (traceability) имконини беради ва истеъмолчи ишончини мустаҳкамлайди.

Аграр соҳанинг келажак эса илм-фанга боғлиқ. Олий таълим муассасалари ва илмий институтлар янги селекция навларини яратиш,

қурғоқчиликка чидамли экинларни жорий этиш ва ресурс тежовчи технологияларни ишлаб чиқиш устида изланмоқда. Жумладан, Тошкент давлат аграр университети олимлари озиқ-овқат хавфсизлиги, стандартлаштириш ҳамда маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлаш йўналишларида муҳим тадқиқотлар олиб бормоқда.

Хулоса шуки, дала энди фақат бел ва кетмон билан эмас, билим, рақам ва технология билан ишлайдиган маконга айланмоқда. Ислохотларни изчил давом эттириш мамлакатнинг аграр салоҳиятини юксалтириб, озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлайди.

**Феруза АСИЛОВА,**  
**Тошкент давлат аграр университетининг**  
**Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини стандартлаштириш ва сертификатлаш кафедраси ассистенти**

## МОСЛАШУВ БИЛАН БОҒЛИҚ МУАММОЛАР

Бугун умумтаълим мактабларида алоҳида таълим эҳтиёжларига эга бўлган ўқувчилар сони ортиб бормоқда. Улар орасида аутизм спектри бузилиши, нутқ ривожланишидаги қийинчиликлар, диққат етишмовчилиги ва гиперфаоллик синдроми, ўқиш ҳамда ижтимоий мослашув билан боғлиқ муаммоларга дуч келаётган болалар ҳам бор.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда инклюзив таълимни ривожлантиришга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бироқ боланинг оддий синфда таҳсил олиши унинг таълим муҳитига тўлиқ мослашганини аниқламайди. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, бундай ўқувчиларнинг аксарияти қўшимча эътибор ва индивидуал ёндашувга муҳтож.

Ҳар бир боланинг ривожланиш хусусиятлари, эҳтиёжлари ва қийинчиликлари турлича бўлгани учун ягона ёндашув ҳар доим ҳам кутилган самарани бермайди. Айниқса, аутизм спектри бузилишига эга болалар билан ишлашда қўшимча машғулотлар жуда муҳим.

Анъанавий дарс жараёни бутун синф учун мўлжалланган бўлиб, ўқитувчи бир вақтнинг ўзида янги мавзунини тушунтириши, билимларни баҳолаши ва барча ўқувчиларга эътибор қаратиши лозим.

Шу сабабли алоҳида таълим эҳтиёжларига эга болаларнинг билимни ўзлаштириши, нутқий ва ижтимоий кўникмаларини ривожлантириши учун қўшимча вақт зарур бўлади.

Шу нуқтаи назардан мактабларда ҳафтасига икки-уч марта фаолият юритувчи "Алоҳида болалар клуби"ни ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Бундай клуб фаолиятида ўқитувчи, психолог, логопед ва дефектологнинг ҳамкорлиги яхши натижа беради.

Машғулотлар ўтказиладиган хона ҳам болаларнинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб жиҳозланиши муҳим. Бир ёки икки кишилик парталар, ортиқча безаклардан холи муҳит, визуал кун тартиби ҳамда хулқ-атвор қоидалари акс этган кўргазмали материаллар болаларнинг ўзини хотиржам ҳис қилишига ёрдам беради.

Қўллаб-қувватлаш маъносида моторика билан боғлиқ қийинчиликлар ҳам кузати-

лади. Қаламни тўғри ушлаш, ёзиш, қайчи билан ишлаш ёки кийим тугмаларини тақиш каби ҳаракатлар улар учун осон кечмайди. Бундай ҳолатларда ловия, нўхат, тугма ва мунчоқларни саралаш, мозаика йиғиш, ип ўтказиш, конструктив ўйинлар билан шуғулланиш яхши самара беради. Энг муҳими, бу каби машғулотлар катта маблағ талаб қилмайди ва деярли ҳар қандай мактаб шароитида ташкил этилиши мумкин.

Инклюзив таълим самарадорлиги педагогларнинг касбий тайёргарлигига ҳам бевосита боғлиқ. Қисқа муддатли амалий семинарлар, тренинглар ва малака ошириш курслари ўқитувчиларга алоҳида таълим эҳтиёжларига эга болалар билан ишлаш буйича зарур кўникмаларни шакллантиришга ёрдам беради.

Ота-оналарнинг иштироки ҳам бу жараённинг муҳим бўғини ҳисобланади. Афсуски, айрим оилалар фарзандига уй шароитида қандай ёрдам бериш мумкинлиги ҳақида етарли маълумотга эга эмас. Мутахассислар билан мунтазам учрашувлар, маслаҳатлар ва мактаб ҳамда оила ўртасидаги самарали ҳамкорлик боланинг ривожланишида муҳим ўрин тутди.

Инклюзив таълим фақатгина бола-

ни умумий синфга жойлаштириш билан чекланиб қолмаслиги керак. Асосий мақсад – ҳар бир ўқувчининг имкониятларини рўёбга чиқариш, унинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашига кўмаклашиш ва сифатли таълим олиши учун зарур шароит яратишдан иборат.

Қўшимча машғулотлар, малакали мутахассислар, тайёргарликдан ўтган педагоглар ва ота-оналар билан мустаҳкам ҳамкорлик орқали ҳар бир боланинг муваффақият сари дадил қадам ташлашига замин яратилади.

Аслида, инклюзив таълимнинг энг муҳим жиҳати ҳам шундаки, у меҳр ва таълим туташган нуқтада шаклланади. Боланинг эҳтиёжини англаш, уни қўллаб-қувватлаш ва қобилиятига ишонч билдириш орқали таълим ҳақиқий натижа беради. Меҳр билан бойитилган таълим муҳити ҳар бир болага ўз имкониятларини намоён этиш ва жамиятнинг фаол аъзоси бўлиб камол топиш имконини яратади.

Зеро, ҳар бир бола эътибор, қўллаб-қувватлаш ва ўз салоҳиятини намоён этиш имкониятига лойиқ.

**Ушруя КЕНЖАЕВА,**  
**14-мактаб хорижий тиллар ўқитувчиси**



Миллар мендан коптогимни тортиб олган...

## БУ МАЙДОНГА ТУШМОҚ ЎЗИ ҒАЛАБАДИР

Ўзбек футболчиларининг  
“Жаҳон чемпионати – 2026”да биринчи бор майдонга чиқишларига бағишланади

Она юртим, теракларинг, толларингдан,  
Эсан жонбахш, ҳаётбахш шамолларингдан.  
Бир замонлар пахтангни хўп куйлагандим,  
Энди бир шеър айтайин футболларингдан.

Рақибимиз Колумбми ё Колумбиё?  
Менинг бобом ғолибми ё Колумбми ё?  
Бизга фақат бир копток бер, кўхна дунё,  
Бор матоҳинг, ашқолау дашқолларингдан.

Футбол, футбол, бир армоним ортиб қолган,  
Йиллар мендан коптогимни тортиб олган.  
Мен чемпион бўларимдим шу замонда,  
Кечиб барча ромларингу фолларингдан.

Ер шари ҳам копток мисол айлонадир,  
Айланадир, кеча-кундуз айланадир.  
Зўр ўйинга шайланмоқда рўйи жаҳон,  
Огоҳ бўлгил корчаллон даллоларингдан.

Бош мураббий, яъни жаноб Фабиога,  
Бир саволим бордир ноҳос, фавқулдда:  
Қай бири зўр: қуролми ё, футболми ё?  
Жаҳон бозорига чиққан молларингдан?

Шарку Ғарбдан айтсам агар – гапни кўйгин,  
Ярми ҳарбу зарб бўлса гар, ярми – ўйин.  
Айтгил энди эрта-индин не кутайлик?  
Не шамоллар – Жануб ва Шимолларингдан?

Демак, фақат футбол қолмиш, фақат футбол,  
Олам аҳлин бирлаштирар у бемалол.  
Инимжоним, бошингдаги дўппингдан айт,  
Ер юзини забт этган тимсолларингдан.

Исминг Аббосмиди, Шерзод ва ё Элдор,  
Сенга ҳамроҳ бўлсин фақат номус ва ор.  
Шаштларингда Алломишинг шиддати бор,  
Кўксингдаги ёлқинларинг, ёлларингдан.

Президент ўзи дуо берди сизга,  
Ўттиз саккиз миллионли халқ изингизда.  
Бу ҳисобли дунё дерлар, ҳисобларинг –  
Гоҳ нолу бир, гоҳи нолу нолларингдан.

Ҳар бир зарбанг элу юртга тухфа бўлғай,  
Буни ҳеч ким билмаса ҳам FIFA билғай.  
Олам хабар топди номинг янграганда,  
Сен етишган маррау камолларингдан.

Бу майдонга тушмоқ ўзи ғалабадир,  
Марди майдон асли замон талабидир.  
Байроқларинг бир қадрдон кўринадир,  
Бахтинг балқиб юлдузинг, ҳиллоларингдан.

Сен биландир барча мулки туронийлар,  
Отахонлар, онахонлар, нурунийлар.  
Мингга кирган чинорлардан юз минг дуо,  
Яна юз минг – кампирлару чолларингдан.

Дилбандларинг – янғроқ сўзинг, ёруғ юзинг,  
Уч миллион мухлисларинг – ўғил-қизинг,  
Бир халқу бир Ватан бўлиб улғайгуси,  
Жўжуқларинг – қанду асал, болларингдан.

Шеърим балки бир кун кетар таҳрирланиб,  
Мен юз йиллар юрсам бўлғай фахрланиб,  
Ўзбекистон, отажоним, болажоним –  
Жаҳон майдонига урган голларингдан!

Сирожидин САЙИД,  
Ўзбекистон халқ шоири  
“Янги Ўзбекистон” газетасининг  
2026 йил 16 июнь кунги 120 (1719)-сон



Muassis:  
Toshkent Viloyati Chirchiq Shahar  
HOKIMLIGI



“Chirchiq tongi” gazetasi tahrir  
hay'ati:

**Murodjon ABDURAHIMOV**  
(tahrir hay'ati raisi)

**G'afurjon MUHAMMADOV**

**Dilshod MANNONOV**

**Qahramonjon ZOIDOV**

**Ummatbek ABLABEKOV**

**Saodat MUSAYEVA**

**Iltom ASADOV**

Bosh muharrir:

**Iroda**

**MUHAMMADAZIZOVA**

Gazetaga 1932-yilda asos solingan

2011-yil 22-avgustda Toshkent  
viloyati Matbuot va axborot  
boshqarmasida 03-024 raqam  
bilan ro'yxatga olingan

**Manzili:** 111700,  
Toshkent viloyati, Chirchiq shahri,  
Amir Temur ko'chasi, 1-uy, 409,  
410, 411 va 412-xonalar

**Adadi:** 3700 nusxa.  
**Hajmi** - 1,5 bosma taboq. Qog'oz  
bichimi A-3. Ofset usulida bosilgan.  
Bahosi kelishilgan narxda  
ISSN 2181-7170

**Telefonlar:**

**Qabulxonasi:**

71-71-5-36-40.

**E'lonlar va hisob-kitob**

**bo'limi:**

71-71-5-00-14

**Nashr indeksi:** 64694

**Topshirish vaqti:** 13.00.

**Topshirildi:** 14.00.

Gazeta tahririyat kompyuter

markazida

**Xatira YUSUPOVA,**

**Dilafroz SHAMSHIYEVA**

tomonidan sahifalandi

Navbatchi:

**Malika Riskidinova**

Tahririyatga kelgan  
qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi  
va muallifga qaytarilmaydi.  
Reklama materiallaridagi dalillar va  
faktlarga tahririyat javobgar emas

«NISO NASHRIYOT VA MATBAA  
UYI» MCHJ bosmaxonasida chop  
etildi.

Korxonaning manzili:

Toshkent viloyati, O'rta Chirchiq

tumani,

Mash'al mahallasi, Markaziy

ko'cha, 1-uy.

**Buyurtma №**

## ЯНГИ ТАЪМЛАР

Очил дастурхон



### Творогли қатлама пирог

Ёқимли чойхўрлик учун

**Зарур масаллиқлар:** 500 гр хамиртурушсиз қатлама хамир, 400 гр 5 фоизли творог, 1 дон тухум, таъбга кўра шакар 0,5 гр ванилин.

Урвоқ учун: 3 ош қошиқдан ун билан шакар, 40 гр сариеғ.

#### Тайёрланиши:

1. Тухумни ағалаб, иккига – катта ва кичик қисмларга бўлинг. Катта қисмига творог, шакар ва ванилин қўшилади.

2. Урвоқ учун ун, шакар ва сариеғни аралаштириб, ушоқ ҳосил бўлгунча эзилади.

3. Қатлама хамирни 2 бўлакка бўламиз. Ҳар бир бўлакни текис тўртбурчак шаклида юпка қилиб ёямиз.

4. Хамирнинг чеккаларини расмдагидек кесинг. Ўртасига творогли масаллиқни солиб, хамир учларини ичкарига қайиринг. Худди соч ўргандек.

5. Бу пирогларни патнисга олиб, устига тухум суртасиз ва ушоқ сепасиз.



### Грузинча чашушули

Яқинларингизни меҳмон қилинг!

**Зарур масаллиқлар:** 350 гр мол гўшти, 2 дондан пиёз, булғор қалампир ва ўртача помидор, 2 та шохча кўкатлар (райхон, шивит), 30 гр сариеғ, 3-4 бўлакча саримсоқпиёз, таъбга кўра туз ва зираворлар.

#### Тайёрланиши:

1. Гўштни ювиб, қуришиб, ўртача ўлчамда тўғрайсиз. Агар чандирлар учраса, уларни олиб ташланг.

2. Гўштни қозонга солиб, уни кўмадиган даражада сув қуясиз.

3. Юқори оловда қайнатиб, кўпигини олиб ташлайсиз. Сўнг ўртача оловда тахминан 40 дақиқа қайнатасиз. Бу вақт ичида сув деярли тўлиқ буғланиб кетади. Агар гўшти қаттиқ бўлса, яна сув қуйиб пиширинг.

4. Гўшт пишгунча пиёзни тўғрайсиз. Унутманг, пиёз ва помидор қанча кўп бўлса, таом шунчалик мазали бўлади.

5. Гўштга аввал сариеғ қўшинг, кейин тўғралган пиёзни солинг.

6. Қозонни қопқоғи билан ёпиб, пиёз билан мол гўштини суяқлиги тўлиқ буғлангунча димланг. Бу вақтда таомга туз ва зираворлар қўшиш керак.

7. Пиёз билан мол гўшти пишгунча булғор қалампирини ўртача катталиқда тўғраймиз.

8. Помидорларнинг пўстини арчиш учун қайноқ сув қуйинг. Бироздан кейин пўсти осон ажралади. Кейин уларни йирик қилиб тўғранг.

9. Саримсоқпиёзни майдаланг.

10. Гўштга барча сабзавотларни солинг. Агар овқат суви бўлмаса, помидор шарбати чиқмагунча озгина сув қўшинг. Қозонни қопқоғи билан ёпиб, ўртача оловда 10 – 15 дақиқа давомда аралаштириб пиширинг.

11. Кўкатларни ювиб, тўғраб, қозонга солинг. Улар таомга таъм ва хушбўй хид бериши учун қозон қопқоғини ёпиб, яна 5 дақиқа димланг.

12. Уни гуруч билан дастурхонга тортиш ёки ўзига нон ботириб ейиш мумкин.



## НОН ПАЛОВ

Ҳикоя

Болалигимиздан ёши улугларимиздан дунёдаги энг азиз неъматлардан бири – бу нон эканлиги, унинг қадр-қиммати, уруш йилларида одамларнинг қанчалик даражада нонга зор қолганлари, қийин аҳволда бўлишса-да, бир бурда нонни бўлишиб еганлари ҳақида кўп эшитганмиз. Қолаверса, халқимиздан қолган ажиб бир нақл бор: “Ноннинг ушоғи ҳам нон” дейдилар...

Менинг ҳаётимда ҳам нон билан боғлиқ бўлган ширин ва аччиқ хотиралар муҳрланиб қолган. Дадам вафот этганларида онам бечора беш нафар фарзандлари билан бева қолганлар. Тўртта опам ва мен. Уша пайтларда онамни кўп фарзанддилар қаторида ёшлари нафақа ёшига етмаган бўлса ҳам давлатимизнинг тегишли қарор ва имтиёзларига лойиқ кўриланган эди. Ҳаммамиз фақатгина онамнинг пенсия пули эвазига кун кечирардик. Ўзингиздан қолар гап йўқ. Беш нафар фарзандни қорнини тўйдириш, кийинтириш, мактабда ўқитиш, қариндош-уруғчиликни давом эттириш, тўй-марокаларда иштирок этиш... ҳамма-ҳаммаси пул билан боғлиқ бўлган...

Шундай қилиб, уша пайтларда онам бизга деярли ҳар куну палов пишириб берарди. Ҳа, мен уни ҳақиқий ўзбекона палов дейман. Ҳар куну есақ ҳам сираям кўнгилга урмасди. Еган сари егимиз келарди. Она меҳри билан йўғрилган, қалб кўрида бутун вужудини бахшида этиб тайёрланган онамнинг нон палови. Бу таомни кўпчилик билишади. Еб кўришмаган бўлсалар-да, эшитишган. Жудаям ажойиб, ширин бўлади. Аслини айтганда, онанинг қўли теккан ҳар қандай таом мазали бўлади. Лекин, нон паловнинг таъми ўзгача. Ҳозирги ёшлар буни билишмаса керак, деб ўйлайман. Чунки, тайёр таомларни сотиб олиб ейишга ўрганишяпти. Майли, бу ҳам қайсидир маънода яхшидир. Вақтни тежайди, режаларни ўз вақтида амалга ошишига ёрдам берар. Аммо, ёш авлод она меҳри билан тайёрланган ўзбек миллий таомларини кўпроқ истеъмол қилишсалар менимча мақсадга мувофиқ бўлармиди?...

Мана орадан йигирма икки йил ўтди. Ҳалигача ўша нон паловнинг мазаси оғзимдан кетмайди. Ҳар замонда бир онамга ўша пайтдаги нон паловни эслатаман. Мийиғида қулиб қўядилар-у, чуқур хўрсинадилар...

Уни тайёрлаш қийин эмас. Кўп вақтингиз кетмайди. Асосийси, табиий. Ишончли. Сиз бир сафар мени маслаҳатимга риоя қилиб тайёрлаб кўринг-да. Ҳақиқатан ҳам нон паловни қанчалик мазали эканлигини биласиз. Онангиз тайёрласа янаям ширин бўлади.

Мирзабек ШЕРБЕКОВ